

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 6

« 28 » 09 2022 йил

Гулистон шаҳар

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Гулистон Давлат Университети номидан Низом асосида иш юрутувчи М.Т.Ходжаев бир томондан ва «Янгиер Ред Голд» МЧЖ кейинги ўринда “Пудратчи” деб юритиладиган номидан Низом асосида иш кўрувчи Р.Ширинов иккинчи томондан Сирдарё вилояти хокимлигининг қурилиш бўйича Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси танлов комиссиясининг “Гулистон Давлат Университети Боёвут тумани Бобуюрт МФЙ да жойлашган сиртқи таълим биносининг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш” доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**Ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгартиришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномлар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалар ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**Қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектининг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиладиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**Вақтинчалик иншоатлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоатлар;

**Беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**Шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларда тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМАНING ПРЕДМЕТИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан лойихада кўзда тутилган объект “Гулистон Давлат Университети Боёвут тумани Бобуюрт МФЙ да жойлашган сиртқи таълим биносининг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш” ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига реконструкция ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати 290 707 070 (Икки юз тўқсон миллион етти юз етти минг етмиш) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Қурилиш қийматини кўпайтиришган енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишлар мазкур шартномада ҳамда 1- иловасига мувофиқ “Ишларни бажариш жадвали”да назарда тутилган хажмда, кийматда ва муддатларда ўзининг кучлари (бош пудратчи ташкилотининг иш хажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак) ёки жалб қилинган кучлар ёрдамида бажариш шунингдек ишни Буюртмачига шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер учаскасини муҳофаза қилишни таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

Пудратчи буюртмачидан объект қурилиши, реконструкция ва мукамал таъмирлаш объект худудини қабул қилиб олганадан уни объектдан фойдаланувчига топширгунга қадар (Авизо) фойдаланган электрэнергия, ичимлик сув, табиий газ ва бошқа коммунал туловларни уз хисобидан тулаб боради;

Қурилиш тавваккалчиликларини суғурта қилиш;

Шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшашиш;

Қурилиш майдони кўриқланиши таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда ва сифатли бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартноманинг 3- иловасига мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши тугаллангунгача далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура- қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайт этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўyxатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

11. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **25 кун**ни ташкил этади

12. Мазкур шартнома бўйича ишлар, 1-илова ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади ва Пудратчи томонидан хар ойнинг 27-санасида бажарилган қурилиш монтаж, реконструкция ва таъмирлаш ишларини тасдиқловчи ҳисоб-фактура тақдим этилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

13. Буюртмачи, Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30** фоизи миқдорида икки ойга бўлган ҳолда (ойига 30 фоиздан) аванс ўткази, бу **87 212 121 (Саксон етти миллион икки юз йигирма бир минг бир юз йигирма бир)** сўмни ташкил этади.

14. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қилиниши ҳисобга олинган ҳолда, бажарилган ишлар (ҳисоб фактура) қийматининг 95 фоизгача бўлган миқдорида хар ойда амалга оширилади.

15. Ушбу шартномада белгиланган 12 ойлик кафолат муддат ўтгандан кейин бажарилган ишлар қийматининг 5 фоизлик кафолат суммаси, Пудратчи томонидан объектдан фойдаланувчи ташкилот маълумотномаси ёки хати тақдим этилгандан сунг Буюртмачи томонидан тўлаб берилади;

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртамачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### **Ҳ. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

18. Буюртмачи қурилиш майдонида ўзининг вакили техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

19. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

20. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йўғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

21. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришларни мустақил равишда ташкил этади.

22. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

23. Қурилиш майдони умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

24. Буюртмачининг қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда, Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларини беради.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

26. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида ҳатолар аниқланса,

Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

30. Алоҳида маъсулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва “Даврархитектқурилишназорат” инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

31. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг “Даврархитектқурилишназорат” инспекцияси билан келишган шартларда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

32. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

33. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби

бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

34. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларнинг уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 32-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

35. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлақларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

36. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX . ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

37. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунча ва қурилиш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунча қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланиши таъминлайди.

38. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X . ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАР**

39. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этадилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

40. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

41. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI . ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШИ**

42. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибда мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

43. Объект уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

44. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу

хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

45. Давлат ҳаёти (комиссия) томонидан объект қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## ХII. КАФОЛАТЛАР

### 46. Пудратчи:

Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди,

47. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши туганланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади

48. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддат нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар, чала ишлар ва камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммани Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

49. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Даврархитектқурилишназорат” органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишни истисно этмайди.

## ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 50. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда:

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даража бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 51. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб ҳуқуқига эга.

52. Шартнома бекор қилинганда тарафларнинг розилиги билан тузилган келишув битимига асосан Пудратчи тугалланмаган қурилишни 20 кун муддатда Буюртмачига топширади ва ўзаро тўлиқ ҳисоб-китоб қилади.

53. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади, ушбу билдириш­номани олган тараф 15 кун ичида жавоб бермаган тақдирда, ушбу масала суднинг қарорига асосан бекор қилинади.

54. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

55. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасино.

#### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

56. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон;

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

57. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартномага шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

58. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,4 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

59. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказилиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи “Даврархитектурурилиш назорат” инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдоридан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

62. Муддат ўтказиб юборганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

63. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Гулистон туманлараро иктисод суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI АЛОХИДА ШАРТЛАР

64. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

65. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

66. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

67. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

68. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

69. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

70. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

71. Шартнома белгиланган тартибда ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БУЮРТМАЧИ:

“Гулистон Давлат Университети”

Гулистон м.ч.м.б.ў  
ОКОНХ 9210 074 200322757  
МС 4009 108602 440409410907900/  
Мамоил Вазирлиги қозғолишига  
МР 2340 2000 30010000 1010  
МФО 00014 074 201122919  
МБ ОКМ Тошк



МЎ

М. Саидов  
Б. Каюмов

ПУДРАТЧИ:

“Янгиер Ред Голд” МЧЖ

Янгиер шаҳар Богистон куч 09-уй

Телефон (+99890)-255-03-99

Р/с 2020 8000 9004 5415 7001

МФО: 00761 ДТ "Халкбанк" г.Янгиер

ИНН: 305 288 414 ОКОНХ: 61110



Рахбар

М.Ширинов

Р.Ширинов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"YANGIYER RED GOLD" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"YANGIYER RED GOLD" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.04.2015

0041

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

303288414

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

**Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

Joylashgan joyi:

**Toshkent shahri, Mirobod tumani, OQ YOL, 90,**

Guvohnoma:

**Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI**

**tomonidan  
berilgan**

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):





00528900

L



Handwritten notes and stamps including '1981', '10', and 'N. Q. 15. 9. 86'.

YASHASH JOYI / ADDRESS

00528900

9

MA'LUMOTLAR / OBSERVATIONS



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Гулистон давлат университети**  
**ректори**

*[Signature]*  
**М.Ходжиев**

**Гулистон давлат университети Боёвут тумани "Бобоюрт" МФЙда жойлашган сиртки булим биносининг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш бўйича ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш(тендер) йиғилиши**

**БАЁННОМАСИ № 05**

**“ 28 ” 09 2022 йил**

**Гулистон шаҳар**

Танлов савдолари мажлисида Гулистон давлат университетининг 2022 йил 10 майдаги 271-К-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия аъзолари катнашдилар:

|                           |             |   |                                 |
|---------------------------|-------------|---|---------------------------------|
| 1.                        | М.Баирбеков | - | Проректор, комиссия раиси.      |
| <b>Комиссия аъзолари:</b> |             |   |                                 |
| 2.                        | А.Юнусов    | - | Бош инженер.                    |
| 3.                        | А.Ўразбаков | - | Бош хисобчи.                    |
| 4.                        | Ш.Ўразалиев | - | Бош энергетик.                  |
| 5.                        | О.Бурхиев   | - | АТМ бошлиғи.                    |
| <b>Комиссия котиби:</b>   |             |   |                                 |
| 6.                        | А.Худояров  | - | Хисобчи. (овоз бериш ҳуқуқисиз) |

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Гулистон давлат университети Боёвут тумани "Бобоюрт" МФЙда жойлашган сиртки булим биносининг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш бўйича ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” 684-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш хақида”ги 276-сонли қарорига асосан баёнинг ижросини таъминлаш мақсадида энг яхши таклифлар асосида танлаш ўтказилиши тўғрисида 2022 йил 09 сентябр куни « etender.uzex.uz» сайтига №146822-сонли лот билан эълон берилди.

Мазкур объект бўйича танлов ғолиби аниқланиб харид комиссиясининг 2022 йил 23 сентябр кунда баённома расмийлаштирилиб, икки иш кунига электрон тизимга муҳокама қилиш учун жойлаштирилди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” 684-сонли Қонуни 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур лот(лар)да иштирок этмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу ЛОТ:146822-сонли лот рақами бўйича танлов комиссиясининг баённомаси

юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки норозиликлар юзага келмади.

Овозга қўйиш натижасига кўра 5 та овоз билан **ООО YANGIYER RED GOLD** ғолиб чиқди.

Баҳоловчи комиссия аъзолари ўзаро фикр-мулоҳазалар билдиришиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Гулистон давлат университети Боёвут тумани "Бобоюрт" МФЙда жойлашган сиртки булим биносининг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш бўйича ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш орқали **ООО YANGIYER RED GOLD** томонидан таклиф этган нархи **290 707 070** (ҚҚСбилан) сўмга танлов ғолиби деб топилсин.

3. Қарорнинг 100-моддаси бўйича икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги учун **ООО YANGIYER RED GOLD** билан шартнома тузилсин.


4. Танлов ғолиби билан шартнома (контракт) тузиш проректор М.Баирбековга топширилсин.

Имзолар:


Комиссия раиси:


Комиссия аъзолари:

Комиссия котиби:

  
М.Баирбеков

  
А.Юнусов

  
А.Ўразбаков

  
Ш.Ўразалиев

  
О.Бурхиев

  
А.Худояров